

# **П У Д Р А Т    Ш А Р Т Н О М А С И № 2 ЛОТ № 151328**

«26» сентябрь 2022 й.

Бухоро ш.

“Baxriddin Shermuhammad” МЧЖ, (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари Садуллаев Б. (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва (корхона, ташкilot, муассаса номи), Бухоро вилоят «Иссиклик манбай» ДУК (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг Устав (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директор Б.Б.Рахимов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

## **1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

4.2. Ушбу шартнома буйича ”Пудратчи” «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан Бухоро вилоят «Иссиклик манбай» ДУК козонхоналарини тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан мукаммал таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

4.3. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 214 250 000 (Икки юз ун турт миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

## **5. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР**

2.1.»Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 214 250 000 (Икки юз ун турт миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши:Шартнома умумий суммасидан 15% аванс кўчгандан сўнг.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «31» декабрь 2022 йил.

## **6. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР**

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## **7. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ**

7.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 214 250 000 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлиш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 15 % ёки 32 138 000,00 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябрь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 182 112 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 85 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

4.2.«Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3.«Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## **5. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Шартнома баҳоси 214 250 000 сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб киласди.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли хужжатларни «Буюртмачи»га тақдим килиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пурратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қўйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % микдорида;
- кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % микдорида;
- ундан кейинги муддатлар учун 20 % микдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пурратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

## 6. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» маҳсус ҳисоб-рақамидан хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,04% микдорида «Пурратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. “Буюртмачи” тасдиқланган сметасига мувофиқ маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пурратчи» билан биргаликда тузади

## 7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «ПУРРАТЧИ»

“Baxriddin Shermuhammad” МЧЖ  
манзили Бухоро тум.  
тел\факс +99890 718-77-86  
х/р 20208000700484078001  
банк номи Микрокредит банк  
Бухоро филиали  
МФО 00109 ИНН 303403634

### «БЮОРТМАЧИ»

Бухоро вилоят «Иссиклик манбай» ДУК  
манзили Бухоро ш. И.Каримов куч 27/1  
тел\факс 223-77-41, 223-27-76  
х/р 2021000500309402001  
ОКОНХ 90215 ИНН 201 429 115

Рахбар \_\_\_\_\_ Б.Садуллаев  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Директор \_\_\_\_\_ Б.Б.Рахимов  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Хукуқиунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси:

